

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 824-ҳадис

824 - عَنْ مُعَاوِيَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا تَكْبُؤُوا الْخَزْرَ وَلَا النَّمَارَ». حَدِيثٌ حَسَنٌ، رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَغَيْرُهُ بِإِسْنَادٍ حَسَنٍ [4129].

824. Муовия розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Ипакда ва йўлбарс терисида ўтирманглар», дедилар».

Ҳасан ҳадис бўлиб, уни Абу Довуд ва бошқалар ҳасан иснод билан ривоят қилишди.

Шарҳ: Бошқа бир ривоятда қуйидагича келган:

«Фаришталар йўлбарс териси бор нарсага ҳамроҳ бўлмаслар».

(Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган).

Яъни, уловнинг эгари устига шойи ёки йўлбарс терисидан бўлган нарса солиб туриб, устига минманглар.

«Фаришталар йўлбарс териси бор нарсага ҳамроҳ бўлмаслар», дейилган.

Бу ҳам бошқа миллатлар одати, ҳам манманлик сабаби бўлгани учундир.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI